



TOSHKENT HAQIQATI

1928 yil 11 dekabrda asos solingan

БЎКА ТАЖРИБАСИ: ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИДАН КЎНГЛИМИЗ НУРГА ТЎЛМОҚДА

Узоқ йиллар эътибордан четда қолган
"Бўка" маҳалласи аҳлининг фикри шундай



ТАЙИНЛОВ



Ниёзов Холмирза Ўзганович – Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Х. Ниёзов лавозимга тайинлангунга қадар Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани ҳокими вазифасида ишлаб келган.

Фарҳод Омонов – Тошкент вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – вилоят ҳокимининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси этиб тайинланди.

Ф. Омонов лавозимга тайинлангунга қадар Оққўрғон тумани ҳокими лавозимида ишлаётган эди.

Халқ депутатлари Оққўрғон тумани Кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Оққўрғон тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.


Шу вақтга қадар Оққўрғон тумани ҳокими лавозимида ишлаб келган Фарҳод Омонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан туман ҳокими лавозимидан озод қилинди.

Оққўрғон тумани ҳокими лавозимига Алишер Каримжонов номзоди кўрсатилиб, депутатлар томонидан тасдиқланди.

А. Каримжонов Янгийўл туманида туғилган. Мутахассислиги бўйича иқтисодчи. Шу вақтга қадар Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасида фаолият юритиб келган.



ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ



ОПМАЛИҚ шаҳрида 3-сектор раҳбари Ж.Маназаров бошчилигидаги ички ишлар бўлими ходимлари "Намуна" маҳалласида ҳашарда бўлишди. Шу куни ички кўчаларга шағал тўкилиб, текисланди. Қурилиш ва маиший чиқиндилар йиғилиб, маҳалла ҳудудидан олиб чиқиб кетилди.

ҚИБРАЙ тумани ҳокимлиги ташаббуси билан "Соҳибқор" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Бўзсув" канали атрофи "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида қўқаламзорлаштирилиб, экологик тоза ҳудудга айлантирилмоқда. Шу мақсадда очик ер майдонига 400 тул мөвали ҳамда 70 тул манзарали дарахт кўчатлари ўтқозиш режалаштирилган.

БЎСТОНЛИҚ туманидаги ахборот-кутубхона маркази ходимлари томонидан китобхонларга қўқаламзорлаштириш мақсадида "Библиобус"лар фаолияти йўлга қўйилди.

"Библиобус"лар ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари туманининг чекка ҳудудларига, маҳаллалар ва турли ташкилотларга кўчма кутубхона хизматини кўрсатади.

АНГРЕН шаҳрининг "Боботон" маҳалласида тadbиркор М. Аҳмедова "Sirlī Oqtera" умумий оватланиш шаҳобчасини ишга туширди. Унга маҳаллада тadbиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси У. Самиева ёрдам қилди.

ОҲАНГАРОН туманининг Нуробод қўрғонида қурилиши режалаштирилган маданият саройининг лойиҳаси билан танишиш мақсадида туманга маданият вазири Озодбек Назарбеков келди. Вазир лойиҳа билан танишар экан, маданият ва санъатни ривожлантириш учун эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим тақлиф ва кўрсатмалар берди.

Сўнгги йиллардаги халқчил ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида қишлоқларимиз обод бўлиб, шаҳармонанд қиёфа касб этипти. Чекка ҳудудлар аҳолисининг турмуш фаровонлиги юксалиб, одамлар ислохотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаёти мисолида ҳис қилиб яшамоқда.

2021 йилнинг декабрь ойида республика ишчи гуруҳи томонидан барча маҳаллаларда аҳолининг турмуш шароитида мавжуд муаммолар ўрганилди ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғир, кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари талаб этиладиган, ичимлик суви,

газ, ёқилғи, электр таъминоти, ички йўллар, интернет ва алоқа хизмати, ижтимоий соҳа объектлари, спорт ва болалар майдончалари, тураржой билан боғлиқ комплекс муаммолари мавжуд 1 минг 71 та маҳалла рўйхати шакллантирилди.



Мурожаат

Мансабдор ҚУДА қидиряпмиз...

Таҳририятга мурожаат қилишимиздан мақсад, бизга амалий ёрдам керак.

бормади. Сабаби, маҳаллаимизда дастурда кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилмади. Масалан, ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ ишлар чала, интернет симлари келмаган. Фарзандларимиз онлайн дарс тайёрлашга қийналишмоқда. Ички кўчалар охиригача асфальт қилинмаган. Биз яшайдиган "Янги кўча"нинг 74 метри 2017 йилдан буён битмай, чала ётипти.

Юқоридаги масалалар юзасидан бир неча бор Тошкент тумани ҳокимлигига, маҳаллаимиз

раисига, Халқ қабулхонасига мурожаат қилдик, аммо ҳеч қандай натижа йўқ. Сабабини сўрасак, ажратилган маблағ тугаганлигини рўқач қилишмоқда. Ахир, "Обод қишлоқ" дастурида белгиланган вазифалар аввалдан режалаштирилиб, сарфланганидан маблағ тўғри ҳисоб-китоб қилиниб, тенг тақсимланмайдими?! Наҳотки, давлатимиз томонидан шундай катта дастурга ажратилган маблағ етмай, маҳалладаги ишлар турли баҳоналар билан чала яқун топаверса?! Мутасаддилардан ҳисоб

сўралмайдими?

Дарвоқе, бу орада маҳаллаимиз раиси ўз қудасининг кўчасини асфальт қилдириб бердилар. Биз ҳам кўчамиз асфальт бўлиши учун

бирор мансабдор шахс билан қуда бўлишимиз керакми?"

Тошкент тумани, "Кенсой" маҳалласи, "Янги кўча" аҳолиси

Бугун – Алишер Навоий таваллуд топган кун

«Бу қаламга фалакдан офаринлар ёғилсин!»

Алишер Навоийга «ғазал мулкининг султони», дея таъриф берилганида улуг бир эътироф бор. Чунки буюк мутафаккир ғазаллари нафақат сон жиҳатдан, балки бадиийлик мезонлари талаби доирасида ҳам барча ижодкорларга ўрнак бўлгулик. Навоий нафақат ўз даврининг ижод аъналарини ўзлаштирди, балки уларни мазмун ва савия жиҳатидан ҳам янги босқичга кўтарди. Алишер Навоийгача уч юз йиллик тарих йўлини босиб ўтган ғазал жанри эса ижодкор қалами билан имкониятлар чўққисини забт этди.



"Гапнинг индаллоси биз истиқомат қиладиган Тошкент туманидаги "Кенсой" маҳалласи "Обод қишлоқ" дастурига киририлганида жуда хурсанд бўлган эдик, аммо қувончимиз узоққа



Жараён

Янги қурилишлар нега кечикяпти?

Тошкент вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев мактабгача таълим йўналишида амалга оширилаётган ишлар, йўл қўйилаётган камчиликларни танқидий таҳлил қилди.

Вилоят раҳбари раислигида ўтган йиғилишда секторлар раҳбарлари, тегишли бошқармалар вакиллари, лойиҳачи ва қурилиш ташкилотлари мутасаддилари иштирок этди.

Қайд этилганидек, вилоятда боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълимга қамраб олишни 69 фоизга етказиш режалаштирилган. Бироқ, ҳанузгача белгиланган мақсадга эришилмаяпти.

Ўтган йилнинг ўзида 96 та мактабгача таълим муассасаси қурилиб, таъмирланиши лозим эди. Шундан 45 таси Инвестиция дастури, 22 таси "Обод маҳалла" дастури бўйича ва қолгани ҳукуматнинг тегишли қарорлари ижроси доирасида белгиланган.

Бунинг натижасида 57 та қўшимча бино қурилиши ва 7 минг 724 нафар бола учун янги ўринлар яратилиши кўзда тутилган. Бироқ, ҳар турли ва жабда сабабларга кўра, ҳалигача 53 та объектда қурилиш якунига етказилмаган.

Онлайн тарзда ташкил этилган йиғилишда ҳар бир туман-шаҳарда фойдаланишга топширилиши кечикаётган қурилиш объектларининг сабаблари ўрганилди.

Аниқланишича, баъзи лойиҳаларга ажратилган маблағлар реалликдан йироқ, ошириб кўрсатилган ёки ўз вақтида ажратилмаган. Аксар ҳолатларда қурилиш ташкилотлари иш жараёнида сусткашликка, ўзибўларчиликка йўл қўйган.

Зойир Мирзаев бунёд этилиши лозим бўлган ҳар бир объект бўйича туман-шаҳар ҳоқимлари, қурилиш ва лойиҳачи ташкилотлар вакиллари билан бирма-бир гаплашиб, масалага ойдинлик киритди.

Шунингдек, боғчалар қурилишида замонавий, тежамкор ва сифатли технологияларни қўллаш, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш, болаларга қўлайлик яратиш борасида зарур тақдирлар ишлаб чиқиш талаби қўйилди. Бу ишларга масъул бўлган ҳоқимларнинг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари жавобгарлигини ошириш тўғрисида тегишли топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари топшириғига биноан, муаммоларни комплекс ҳал этиш учун Президент Халқ қабулхоналари бошчилигида вазирлик ва идоралар раҳбарларидан республика ишчи гуруҳи тузилди. Муаммоларни бартараф этилиши назарда тутилган ҳудудлардан бири – Тошкент вилояти Бўка туманидаги "Бўка" маҳалласида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Муаммолар йиғилиб қолганди

"Бўка" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Хуталиевул, Алхажар, Тойлоқ, Қатортол, Худойқул ва Укибой қишлоқлари бор. Мазкур маҳалла Тошкент вилоятининг энг чекка ҳудуди сифатида узок йиллар давомида эътибордан четда қўлиб кетган. Оқибатда бу ерда аҳолини ўйлантирадиган кўплаб муаммолар йиғилиб қолганди.

Айни кунларда маҳалланинг барча қишлоқларида бажарилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туфайли мазкур масалалар ўз ечимини топмоқда. Маҳалла ҳудудида жойлашган 41- ва 42-умумий ўрта таълим мактаблари таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Ундаги мебель ва жиҳозлар деярли яроқсиз. Айни пайтда мазкур мактабларда таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Ишлар якунига етгач, мазкур муассасалар замонавий ўқув жиҳозлари ва инвентарлар билан таъминланади ҳамда таълим сифати яхшиланади.

Маҳалланинг бозори ҳам йўқ эди. Аҳоли бир неча километр йўл юриб, туман марказидан бозор қилишга мажбур эди. Одамларга қўлайлик яратиш, ортиқча оворагарчиликларга барҳам бериш мақсадида маҳаллада замонавий савдо комплекси барпо этиляпти. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш объектлари, хусусан, эркаклар ва аёллар учун сартарошхона қад кўтармоқда. Маҳалла идорасининг янги биноси, қишлоқ врачлик пункти, футбол майдончаси қуриляпти.

– Бугунги кунда нафақат "Бўка"да, балки унга туташ бошқа маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ҳам кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда, – дейди туман ҳоқими Низоимиддин Аббосов. – "Бўка" маҳалла фуқаролар йиғинида жами 26,8 километр ички йўллар мавжуд. Ободонлаштириш ишлари доирасида ушбу кўчаларнинг 21 километрга қўм-шағал ётқизилди. Йўллар босқичма-босқич асфальт қилинади. Шу пайтгача маҳалланинг айрим қишлоқлари аҳолиси ичимлик суви муаммосидан қийналарди. Ҳудудга ичимлик суви тармоғи тор-

"ЯШИЛ МАКОН": КЎЗБЎЯМАЧИЛИК БИЛАН

Тошкент вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев ҳудудларда "Яшил макон" лойиҳаси ижроси доирасида Тошкент-Чорвоқ йўли бўйида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари, бу ерда экинган манзарали дарахтлар ҳолатини кўздан кечирди.

Вилоят раҳбари бошчилигидаги масъуллар жам бўлган автобус Юқори Чирчиқдан ўтиб, Бўстонлик ҳудуди бўйлаб ҳаракатни давом эттирди.

Вилоят раҳбари йўл ёқаларини синчиклаб кузатар экан, йўл-йўлакка тегишли туманлар масъулларига ўз эътирози ва тақлифларини билдириб борди.

Йўл – ҳар бир ҳудуднинг юзи, керак бўлса, маданияти, маънавияти, турмуш тарзининг кўзгуси.

Бу йўллардан кунига минг-минглаб уволлар, мамлакатимиз, вилоятимиз меҳмонлари ўтади. Йўл ёқаларидаги инфратузилма ҳам, кўкаламзорлиги ободлик ҳам шунга монанд бўлиши кераклигини қайд этди вилоят раҳбари.

Йўл ёқасидаги қўлбола тамадихоналари улардаги антисанитария ҳолатлари ҳам масъуллар эътиборидан четда қўлиб келаётгани алоҳида ургуланди.

Зойир Мирзаев Бўстонлик туманининг асосий йўл ёқаларига 6 қатор мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш, тошлоқ жойларда жийдаларни кўпайтириш бўйича кўрсатма берди.

"Кўчатлар номига экилиши ҳеч кимга керак эмас. Мақсадни аввал бошдан тўғри қўйиш лозим. Кўчатлар камиди 4-5 йиллик бўлсин. Кўзбўямачилик ҳеч кимга, ҳеч замонда обрў келтирмаган. Бўстонликда нима кўп – кўчат етиштирувчилар кўп. Ҳозирги



аҳвол Бўстонликка ҳам, унинг муҳасаддиларига ҳам мутлақо ярашмайди", деб таъкидлади вилоят етакчиси. Қайд этилганидек, ҳудудларда

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида қилинган ишлар ва жорий вазифалар вилоят масъуллари кун тартибдаги бош масалалар қаторида қолади.

БОЗОРДАГИ НАРХ-НАВОНИ БУГУНГИ ҲАРАКАТЛАР БЕЛГИЛАЙДИ

Тошкент вилоятида 2022 йилда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари юзасидан "Йўл харитаси" бўйича амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Вилоят раҳбари раислигида ўтган йиғилишда секторлар раҳбарлари, тегишли бошқармалар вакиллари, мутасаддилар иштирок этди.

Масала юзасидан Тошкент вилояти ҳоқимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари Холмирза Ниёзов атрофича маълумот берди.

Қайд этилганидек, Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон ҳўжалиқларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан туманларда пахта ва галла майдонларини қисқартириш ҳисобига деҳқон ҳўжалиқлари ташкил этиш ва бу йилги ҳосил учун қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш

қўрсаткичларини ошириш кўтилмоқда.

Пахта ва галладан қисқартирилдиган 5,5 минг гектар ер майдонлари аҳолига 25 сотихдан 1 гектаргача очик танлов асосида узок мuddатли ижарага берилиб, ишсиз 32,5 минг нафар "Ёшлар дафтари", "Темир дафтар" ва "Аёллар дафтари"га киритилган

– Барча ҳоқимлар эшитсин: одамларга озик-овқат бермасак, бозор қиммат бўлса, ҳаммамизга асл баҳони халқ беради, – деди Зойир Мирзаев. – Бу йил қиладиган ишларимизнинг қўламини катта. Фақат ёндашув замонавий бўлсин. Керак бўлса, Зангиота, Янгийўл, Бўстонлик ва Қибрай туманлари хориждан малакали мутахассислар топиб, ҳоқимга қишлоқ ҳўжалиги бўйича маслаҳатчи қилиши ва улар тажрибасидан самарали фойдаланиши мумкин.

аҳоли бандлиги таъминланади. Ушбу майдонларда сабзавот, поллиз, картошка ва дуккакли экинлар етиштириш "Бир ҳудуд – бир маҳсулот" тамойили асосида ташкил қилинади. Мулоқотда вилоят ҳоқими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев тармоқ ҳўжалиқларида қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан зарур вазифаларни белгилаб берди. Тошкент вилояти ҳоқимлиги Ахборот хизмати

бости экинлардан 340 минг тонна маҳсулотлар етиштириш йўлга қўйилади.

Шунингдек, парранда боқини ташкил этиш орқали 1,7 мингта оиланинг қўшимча даромад олишига имкон яратилади.

Янги ўзлаштирилдиган ва лалми ерлар ҳисобидан ушбу ҳудудлардаги 1,9 минг гектар майдонда интенсив боғ ва 2,5 минг гектар тоқзорлар барпо этилади.

Боғдорчилик илмий-тадқиқот институти ва Аграр университетнинг «in vitro» лабораторияларидан самарали фойдаланган ҳолда, Тошкент, Паркент ва Қибрай туманларида йилга 900 минг дона мева ва тоқ кўчатларини етиштириш (питомниклар) ташкил этилади.

Мулоқотда вилоят ҳоқими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев тармоқ ҳўжалиқларида қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан зарур вазифаларни белгилаб берди.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги Ахборот хизмати

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Паркент туманида фаолият олиб бораётган "АНКА" масъулияти чекланган жамияти чарм маҳсулотларидан махсус ва иш оёқ кийимларини ишлаб чиқариш бўйича етакчи корхоналардан. Корхона 1994 йилда Туркия давлати билан ҳамкорликда очилган бўлиб, асосан Хитой технологиялари билан жиҳозланган. Корхона йилга 120 минг дона махсус оёқ кийим ҳамда 20 мингта яқин тери маҳсулотларини қайта ишлаш қувватига эга. 50 га яқин маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланган. Буюртмалар кўпайган пайтда яна 20 га яқин қўшимча ишчи жалб қилинади.

ПОЙАБЗАЛ ТОР БЎЛСА...

дунёнинг кенглиги билинмайди

– Пойабзал аввало юриш учун қўлай бўлиши керак, – дейди корхона раҳбари Кучали Руштаев. – Махсус оёқ кийимлар ҳам бундан мустасно эмас. Биз маҳсулотимизни ишлаб чиқаришида аввало сифатга алоҳида эътибор қаратамиз. Оёқ кийимдан ташқари ҳарбийлар учун чармдан камар ва сумкалар ҳам тикамиз. Иш конвейер усулида ташкил этилган бўлиб, барчаси нолдан бошлаб бажарилади. Яъни, дастлаб мол териси ошланади. Ундан сўнг бўяш, кесиш, бичиш, тикиш, таг чарм қўйишдан тортиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтириш каби жараёнлар амалга оширилади.



вазифалар муҳокама юзасидан ўтказилган йиғилиш соҳада фаолият янада кенгайтиришда катта имкониятлар эшигини очди. Нурафшон шахрида ҳам шу тармоққа ихтисослашган кичик зона ташкил этилиши белгиланди. Таъсисчининг таъкидлашича, вилоят марказида корхонанинг терини қайта ишловчи филиалини очиш режалаштирилмоқда. Режа амалга ошгача кўплаб иш ўринлари яратилади.

Корхона Россия ва Қозоғистон давлатларига ҳам маҳсулот етказиб беришни йўлга қўйган, карантин сабабли ҳамкорлик тўхтаб қолган. Айни пайтда ҳамкорлик алоқаларини тиклаш учун музокара ва келишувлар бошлаб юборилган.

Корхонанинг туркиялик таъсисчиси Али Нихатнинг айтишича, 24 январь куни Президентимиз раислигида чарм-пойабзал саноатидаги устувор

Дарҳақиқат, юртимизда шундай корхоналар кўпаяркан, бозорларимиз расталари хорижликдан сира қолишмайди, улар билан бемалол рақобатлаша оладиган маҳсулотлар билан тўлиб-тошиши аниқ.

Нозима РАСУЛОВА /Тошкент ҳақиқати/

Зойир Мирзаев бунёд этилиши лозим бўлган ҳар бир объект бўйича туман-шаҳар ҳоқимлари, қурилиш ва лойиҳачи ташкилотлар вакиллари билан бирма-бир гаплашиб, масалага ойдинлик киритди. Шунингдек, боғчалар қурилишида замонавий, тежамкор ва сифатли технологияларни қўллаш, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш, болаларга қўлайлик яратиш борасида зарур тақдирлар ишлаб чиқиш талаби қўйилди. Бу ишларга масъул бўлган ҳоқимларнинг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари жавобгарлигини ошириш тўғрисида тегишли топшириқлар берилди.

БўКА ТАЖРИБАСИ: ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИДАН КЎНГЛИМИЗ НУРГА ТЎЛМОҚДА



тиб келиниши натижасида бу муаммо тўлиқ бартараф этилди.

Бўка қишлоқ ҳўжалиги-га ихтисослашган туман бўлгани боис, бу ерда коллекторларнинг умуман, сугориш ва дренаж тизимининг саз ҳолатда ишлаши муҳим аҳамиятга эга. Бироқ узок йиллар давомидаги эътиборсизлик туфайли ушбу инфратузилма яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Махсус техника жалб қилиниб, ҳудудда сугориш тармоғи барпо этиш ва сугориш ҳамда коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ишлари бажарилди.

Ҳоқим ёрдамчиси – маҳаллага кўмакчи

Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, камбағалликни қисқартириш ва оилалар даромадини кўпайтириш, ишлаш имконияти ва хоҳиши бор, лекин шартли оғир оилаларни ўқитиш ва ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредит, субсидия ёки деҳқончилик қилиши учун ер ажратилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. – "Бўка" маҳалласида барча 374 та хонадонни хатловдан ўтказдик ва муаммоларини

ўргандик, – дейди ҳоқимнинг мазкур маҳалладаги ёрдамчиси Тоҳир Абдувоҳидов. – Хонадонма-хонадон ўрганишларимиз давомида аҳоли вакилларидан, асосан, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит ва субсидия олиш масаласида музокаратлар кўп бўляпти. Биз уларга амалий ёрдам бераймиз. Хусусан, иссиқхона, чорвачилик каби йўналишларда ҳозирча 20 та хонадонга имтиёзли кредитлар

завотлар экиб, даромад олиш имкониятига эга бўлмоқда.

Ушбу маҳалла фуқаролар йиғинида бўш иш ўринлари ярамаси ҳам ўтказилди. Унда 14 та корхона ва ташкилот 168 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Бу орқали ишсиз фуқаролар иш билан таъминланади.

Кўнгилларга кўчган ободлик

Бугунги кунда ободонлаштириш ишлари кенг қўлаб кўриб, аҳоли хонадонлари ҳам таъмирланмоқда. Хонадонларнинг ички ҳовли қисмига шағал ётқизибли, девор ва мавжуд дарахтларга ишлов берилди. Аҳолининг 2,1 гектар томорқаси текисланди, ўчоқхона ва тандирлар оқланиб, тартибга келтирилди, сув иситиш мосламаси ва зарур жиҳозлар ўрнатиб берилляпти. Йўл четларига дарахт кўчатлари экилмоқда.

– Президентимиз ташаббуси билан маҳалламизда бошланган ободонлаштириш ишларидан кўнгилларимиз нурга тўлди, – дейди маҳалланинг Тойлоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Ерон Норбўтаев. – Маҳалламизда биттагина трансформатор бор эди. У ҳам анча эскирган, аҳолининг электр токига эҳтиёжи ошгани туфайли юқори қўлашишга дош беролмай қолганди. Ободонлаштириш элпинлари бизнинг қишлоққа ҳам етиб келиб, янги трансформатор ўрнатилди. Эскирган симёғочлар янгиларига алмаштирилди, уларга замонавий ёриткичлар ўрнатилди. Ёгингарчилик мавсумида тупроқ йўллар лой бўлиб, ишга бориб-қелишга қийналардик. Макам, ички кўчаларга ҳам қўм-шағал ётқизибли, йўлларимиз раван бўлди. Невараларимиз энди қийналмасдан мактабга бориб келади. Аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида ҳар бир хонадонга газ баллонни ҳамда электр плита етказиб берилмоқда. Кам таъминланган оилаларга ҳосил етиштириш, даромад олишлари учун барча шароит яратилляпти. Маҳалламиз ана шундай обод, турмушимиз фаровон бўлаётганидан жуда хурсандимиз.

Ҳа, бугун "Бўка" маҳалласидаги бунёдкорлик ва ободончилик ҳар бир хонадон ва аҳоли вакиллари ҳаётида ўз аксини топмоқда. Бу ҳали бошланиши. Олдинда қилинажак ишлар кўп. Муҳими, ўзгаришлар ҳозирдан қўлга ташланапти. Бу маҳалла инфратузилмасининг яхшиланаётгани, аҳоли турмуш фаровонлиги ошаётгани, эртанги кунга бўлган ишонч юксалаётганидан яққол намоён бўлмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ /"Янги Ўзбекистон" газетасидан олинди/

Таклиф

Президентимиз 2022 йилга «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» деб ном бергани асло бежиз эмас. Зотан, инсон қадрини

улуғлаш ва маҳаллада ижтимоий муаммоларни фаол йўл билан ҳал қилиш олдимизда турган энг асосий масаладир.

Маълумки, «маҳаллабай» ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида маҳаллаларда «ҳоким ёрдамчиси» лавозимини жорий этиш буйича 2021 йил декабрь ойида Президентимизнинг фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ҳоким ёрдамчиси маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни «хонадонбай» урганади. Ишни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун Маҳаллабай ишлаш ва тadbirkорликни ривожлантириш агентлиги, унинг ҳудудий бошқармалари, туман ва шаҳарларда Маҳаллабай ишлаш марказлари ташкил этилмоқда.

Бундан қутилаётган мақсад – давлат сиёсатини маҳаллагача тушириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини кўпайтириш, тadbirkорликни ривожлантириш, шу орқали камбағалликни қисқартиришдан иборат.

Одамлар жамиятнинг ижтимоий ривожланиш даражасини ижтимоий-иқтисодий манфаатлари қанчалик қондирилаётганидан келиб чиқиб баҳолайди. Шу ўринда савол туғилади: ижтимоий-иқтисодий манфаатларнинг амалга ошириш даражасини қандай ўлчам билан баҳолаш мумкин? Қайсидир аниқ бир кўрсаткич билан инсон ҳаётининг ҳамма томонини бирдек қамраб олиш мушкул. Ижтимоий ривожланиш даражасини баҳолаш ҳамда сифат кўрсаткичлари ва унинг натижаси бўлган иқтисодий асослар куйидаги гуруҳларга бўлинади:

– ижтимоий соҳада эришилган ижтимоий ривожланиш натижаларини тавсифловчи кўрсаткичлар;

– факториал кўрсаткичлар (ишлаб чиқаришни ривожлантириш омилларини таҳлилий шаклда ифодалаш ҳисобланади), яъни инсон-

лар эҳтиёжини қондириш, ижтимоий соҳанинг ривожланиши учун яратилган шароит ҳолатини тавсифловчи маълумотлар;

– ижтимоий ривожланиш иқтисодий асосларини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Биринчи гуруҳда халқ фаровонлиги, инсонлар ҳаёт даражаси ва

замонавий ишлаб чиқариш ҳамда муҳандислик-коммуникация инфра-тузилмасини ташкил этиш буйича лойиҳалар, жумладан, давлат-хусусий шериклигини кучайтириш орқали тўлиқ амалга ошириш тadbirkорлари жорий этилади. Бунда мазкур лойиҳаларни амалга ошириш параметрлари ҳамда «Ақлли шаҳар»,

қоникарсиз фаолияти тўғрисида вилоят ҳокимида хулоса тақдим этиш ҳуқуқи берилди.

Маълумки, маҳаллий кенгаш депутатлари халқ вакили сифатида тегишли ҳудуд аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилади. Бундай ёндашув демократик принципларнинг амалдаги ифодасидир. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўп ҳолларда маҳаллий кенгаш депутатларининг фаолиятига боғлиқ. Бу борадаги фаолият, тadbirkорлик ва жамоат назоратлари хулосаларидан маълум бўлдики, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларига

ладаги мавжуд муаммолар туман, шаҳарда шакллантирилган дастурга кирмай, эътибордан четда қолаверди. Ижрочилар учун маҳаллалар кесимидаги муаммо ва вазифалар белгиланмай, маҳаллаларда яшовчи фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид муаммолари инobatта олинмапти. Йил давомида бу муаммоларнинг дастурга киритилмагани ҳамда ташкилий ва молиявий асосиз бўлгани учун уларни ижро этишга имкон бўлмапти.

Шу билан бирга, ҳатто жойида (маҳаллада, туманда) ҳал бўлиши мумкин бўлган муаммолар ечими айрим мутасаддилар томонидан пайсалга солинмоқда. Бунини депутатларнинг фуқаролар кўтарган муаммоли масалаларни ҳал этиш учун мутасаддиларга йўллаган сўровномаларига ижобий ёки манتيқий жавоб ололмаётганлиги, баъзан сўровномалар умуман жавобсиз қолаётганидан билиш мумкин.

Масалан, Янгийўл тумани ҳокимида киритилган 5 та депутатлик сўровномадан 3 таси жавобсиз қолган. «Юксалиш» маҳалласининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури лойиҳаси туман кенгаши сессиясида кўрилиб, тасдиқлаб берилиши анча пайтгача пайсалга солиб келинди. Ушбу маҳалланинг томорқа экинларини сўғориш ариғини тиклаш буйича депутатлик сўрови ярим йилда, яъни экин-тикин мавсуми бошлангандан кейингина ҳал этилди. Шунингдек, 3 та олинган яшаш уйлари ва фермер хўжалигининг ер остидан ўтган катта босимли газ қувури ўта хавфли бўлишига қарамай, уни кўчириш кераклиги ҳақидаги муаммо ярим йилдан буён ўз ечимини кутмоқда.

Мухтасар айтганда, маҳалла ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурини шакллантириш ва ижросини маҳаллада самарали жорий этиш аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Камолжон ШАДИМЕТОВ,
иқтисод фанлари доктори, академик

СПОРТ
янгиликлари

АГМК – “Каспий” – 2:0
Янги мавсумга тайёргарликни Дубай шаҳрида давом эттираётган Олимпиаданинг АГМК жамоаси Қозғистоннинг “Каспий” клубига қарши назорат уйинини ўтказди.



Учрашувда олимпиадликлар 2:0 ҳисобида зафар қучишди. Иккала голга ҳам жамоанинг янги аъзоси Хуршид Ғиёсов муаллифлик қилди. Вилоятимиз жамоаси навбатдаги назорат баҳсини 10 февраль куни Россиянинг “Нефтехимик” клубига қарши ўтказди.

Бир турнирда 7 та медаль
Бирлашган Араб Амирликларининг Фужайра шаҳрида таъқвоннинг WT йўналиши буйича “Fujairah Open – 2022” турнири бўлиб ўтди.



Бутунжаҳон таъқвондо WT тақвонда Олимпиада очқолари ўйналадиган 2 та рейтинг турниридан бири бўлган мазкур мусобақада терма жамоамиз икки гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этиб, 7 та медални қўлга киритди. Хусусан, Улугбек Рашитов, Жасурбек Жайсунов, Феруза Садиқова ва Светлана Осипова олтин, Чарос Қайумова кумуш, Ниёз Пулатов ҳамда Никита Рафалович бронза медаллари билан қайтишди.

Дзюдочиларимиз ўнинчи ўринда
Франциянинг Париж шаҳрида дзюдо буйича “Катта Дубулға” турнири якунига етди.



Икки кун давом этган турнирда терма жамоамизнинг 5 нафар аъзоси медаллар ва рейтинг очқолари учун татамига чиқди. Хусусан, Шарофиддин Болтабоев (-81 кг.), Токио Олимпиадаси совриндорини Давлат Бобонов (-90 кг.) ва Музаффарбек Тўрабоев (-100 кг.) ўз вазн тоифаларида бронза медали ҳамда 500 рейтинг очқосини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 10-ўринни эгаллашди. Турнирда Япония терма жамоаси 7 та олтин, 5 та кумуш, 6 та бронза медали билан биринчи бўлишди.

Сухробжон САДИРОВ
Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади

МАҲАЛЛАНИНГ МУАММОЛАРИ...
КАБИНЕТДАН
КЎРИНМАЙДИ



сифати, умр кўриш давомийлиги, миллатнинг билимлилиги даражаси, соҳада ҳудудларда амалга оширилган комплекс чора-тadbirkорлик белгиланади. Жумладан, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш учун ҳудудларда

«Ақлли маҳалла», «Ақлли уй» ва «Ақлли ҳокимият» концепцияларини акс эттириш назарда тутилмоқда.

Эндиликда, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритиш ва туман (шаҳар) ҳокими, шунингдек, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларнинг

ҳамоҳанг дастурни шакллантириш ва унинг амалий ижросини таъминлаш вазифаси маҳалла даражасида тузилмайди ва ижросини таъминлашнинг аниқ механизми белгиланмаган.

Шу пайтгача бу масалалар республика миқёсида Давлат дастури, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари сессияларида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури, бюджетнинг ижроси ва келгуси йилнинг параметрлари муҳокама қилиниб, кенгашлар сессияларида тасдиқланади ва ижро учун қабул қилинади.

Айни вақтда ушбу дастурлар маҳаллалардан бошлаб шакллантирилмайди, у ердаги муаммолар умумлаштирилмайди, туман ёки шаҳар даражасида шакллантирилган дастурлар муҳокама ва тасдиқдан юзаки ўтади. Натижада маҳал-

Эҳтиёт шарт

Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ис газинимаси билан хавфли экани ва ундан заҳарланмаслик учун қандай зарур чораларга эътибор қаратиш ҳақида маълумот берди.

Ис газини у ҳақида нималарни билишимиз керак?



Қишки иситиш мавсумида содир бўлаётган фавқуллода вазиятларнинг аксарияти ис газидан заҳарланиш ҳолатлари билан боғлиқ, дея маълум қилди ФВВ матбуот хизмати.

Ис газини (СО) рангсиз, ҳидсиз заҳарли бирикма бўлиб, табиий газ, ёқилғи, кўмир, ўтин чўғлари тўлиқ ёнмаслиги оқибатида ҳосил бўлади. Тутун таркибида 3 фоиз, ишланган газда 13 фоиз, портловчи газлар таркибида эса 50–60 фоизгача ис газини бўлади.

Ис газидан шамоллатиш организм яхши ишламайдиган организм моддаларини ишлаб чиқарадиган корхоналарда, автоуловлар турар паркларида, янги бўялган ва шамол-

латилмаган хоналарда, шунингдек, уй шароитларида табиий газ чиқиб турганда ва печка билан ишлатилган уйлар, ҳаммомларда, дам олиш палаткаларида ёнувчи модданинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида заҳарланиш мумкин.

Ис газини организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ушбу газ гемоглобин билан кислородга нисбатан 300 мартаба кучли бирикма – карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти кескин пасайиб, гипоксияга, оғир ҳолатларда эса – аноксияга олиб келиши ҳамда шу тариқа инсон ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, ис газидан заҳарланиш ҳолатларининг аксарияти куйидаги сабабларга кўра юзага келмоқда:

- фуқаролар томонидан газ ва муқобил ёқилғи (кўмир, ўтин ва бошқа) турларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик;
- ностандарт (қўлбола ясалган) ёки сертификатга эга бўлмаган иситиш печлари ва анжомларидан фойдаланиш;
- иситиш печларининг дудборонларини нотўғри ўрнатиш;
- газ ёки бошқа муқобил ёқилғига мослаштирилган иситиш печлари ҳамда суялтирилган углеводород газ баллонларини (анжомларини) дам олиш (ухлаш) хоналарига олиб кириш;
- ҳаво алмашмайдиган хоналарни иситишда очик олов (кўмир ва ўтин чўғлари)дан фойдаланиш;
- ҳавони алмаштирувчи шамоллатиш шахталари ёки туйнукларни беркитиб (тўсиб) қўйиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган сабабларга кўра иситиш учун фойдаланилаётган ёқилғи (газ, кўмир, ўтин ва бошқалар)нинг чала ёниши натижасида ис газини ҳосил бўлади.

Ғ. РИЗАЕВ,
Ҳукумат уйи биноси ЕН ва ПБ инспектори, капитан
И. БЕКЖОНОВ,
катта лейтенант

Пресс-тур

ПИСКЕНТДА ЎТГАН БИР КҮН

Камбағаллик ишсизликдан эмас, дангасалиқдан дейишганида жон бор. Айниқса, бугун ишлайман, даромад топаман, ҳаётимни фаровон қиламан деганларга барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Вилоят ҳокимлиги Аҳборот хизмати ташаббуси билан Пискент туманига ташкил этилган пресс-турда журналистларнинг асосий эътибори аҳоли бандлигини таъминлаш учун қандай ишлар қилинаётганига қаратилди.

Азалдан томорқачилиқда пешқадам пискентликлар бугун ишлаб чиқаришда ҳам илғор. Масалан “Lotus tekstil” тикувчилик корхонасида бўлганимизда чин маънода юртимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни ривожлантириш буйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Ушбу корхона турк инвесторларнинг 300 минг АҚШ долларлик маблағи эвазига фаолият бошлабди. Корхона трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, 300 нафар иш ўрни яратиб салоҳиятига эга. Айни вақтда 120 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган, яна 190 та бўш иш ўрни мавжуд.

Хабарингиз бор, жойларда “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилаётгани қанчадан-қанча аҳолини уй билан таъминлаш имконини бермоқда. Туманда ҳам бу борада арзугулик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Ғайрат” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги массивда 70 та 5-7 қаватли уйлар қуриляпти. Режа буйича 2 мингта яқин оила уй-жой билан таъминланади. Эътиборли жиҳати, эҳтиёжманд оилаларнинг молиявий аҳоли инobatта олиниб, уйлар кам фоизли ва узоқ муддатли имтиёзли кредит асосида берилди. Кам таъминланган фуқароларнинг бошланғич тўловлари давлат томонидан субсидия асосида тўлаб берилди. Айтишларича, бу ерда яна ижтимоий объектлар: болалар боғчаси, маҳалла гузари, яшил макон қурилиши ҳам кўзда тутилган.

Ўтган йили тажриба тариқасида “Ғайрат” маҳалласида Корея технологияси асосида қулпунай етиштириш мўлжалланган. Режадагидек 10 гектар майдонда



қилса, бу йилги даромаддан кредитимизни ёнсақ, келгуси ҳосил ўзимизга қолади. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан ҳафтада икки марта олис манзилдаги маҳалла фуқаролари иссиқхона фаолияти билан таништирилди.

– Бежизга тажриба катта мактаб дейишмас экан, – дейди “Оқтом” маҳалласи фаоли йўлдош ота Иномов. – Маҳалламиз аҳолиси томорқасига қизил ловия экиб, йилда икки мартаба ҳосил олишга одатланиб қолганда. Қулпунай экиш ҳеч хаёлимизга келмаган экан. Томорқадаги қулпунайларга разм солиб, меҳнатидан қочмасанг, яхшигина даромад олиш мумкинлигини чамалаб кўрдим. Агар бизни ҳудудда ҳам шу каби иссиқхоналар ташкил этилса, ёшларимиз иш кидириб сарсон бўлмасди.

Дарҳақиқат, бу гапни пресс-тур ўзгача бўлди. Кун давомида турли жойларда меҳнат қилиб, оиласи фаровонлигига ҳисса қўшаётган пискентликлар билан учрашдик. Уларга қараб туриб, ҳеч қачонда ишламай, маҳалла идораси эшигига ётиб олиб, фақат “бер-бер” дейишга ўрганиб қолган айрим фуқаролар кўз олдимдан ўтди. Улар ҳам боқимандалиқдан қутулиб, меҳнат қилишларини дилдан истадим. Зеро, бунинг учун имкониятлар етарли.

Нигора УРОЛОВА
Тошкент ҳақиқати/
Жавлон ҲОКИМЖОНОВ
опаан суратлар

Хабарингиз борми?

Контракт тўловлари 1 мартга қадар узайтирилди

Кўпчилик абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари, шунингдек, олий ва профессионал таълим муассасаларининг мурожаатларини инobatта олган ҳолда Республика таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш буйича Давлат комиссиясининг тегишли қарорига мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилида олий ва профессионал таълим муассасалари (техникум, коллеж)га ўқувчиликка

ши учун контракт миқдорини тўлашининг сўнги муддати 2022 йилнинг 1 марти эътиб белгиланди. Ушбу муддат куйидагилар:

- * тўлов-контракт асосида олий таълим муассасаларига талабалikka (магистратура, бакалавр) тавсия этилганлар;
- * тўлов-контракт асосида профессионал таълим муассасалари (техникум, коллеж)га ўқувчиликка тавсия этилганлар;
- * табақалаштирилган тўлов-контракт асосида талабалikka тавсия этилганлар;
- * ўқиши кўчирилган (кўчириб тикланган) ва қайта тикланган талабалар учун амал қилмади.



Эълонлар

“ЖАСУР ОДИЛХОН БИЗНЕС” МЧЖ (СТИР 303908614) таъсисчиларнинг 2022 йил 7 февралдаги навбатдан ташқари йилгили баённомасига асосан “B-TOWER INVESTMENT AND GROUP” МЧЖ (СТИР 308378679) таркибига қўшилмоқда. Қайта ташкил этиш яқунлангандан сўнг “B-TOWER INVESTMENT AND GROUP” МЧЖ “ЖАСУР ОДИЛХОН БИЗНЕС” МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Чиноз туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2003 йилда Юлдашева (Абду-саттарова) Анара Бурабаевна номига берилган К № 360614 (рўйхат рақами U 0458734 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

Сирдарё педагогика коллежи томонидан 2006 йилда Илхомова Феруза Садриддинова номига берилган К № 360614 (рўйхат рақами 287) рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бугун – Алишер Навоий таваллуд топган кун

«Бу қаламга фалакдан офаринлар ёғилсин!»



(Давоми. Бошланғич 1-сарифбанд)

Мир Алишер Навоий сарҳади кенг фикрлари, ўткир мушоҳадалари билан ҳаётий ҳақиқатни тасвирлади. Унинг барча асарларида кўллаган сўзлар миқдори эса 26 минг 35 тани ташкил этади. Аини шу рақам шоир рус адабиётининг энг кўп сўз кўллаган вакили Пушкиндан 5 минг, Шекспирга қараганда 7 мингга яқин сўзни кўп кўллаганидан далолат беради. Шу сабаб фавқуллодда истеъдод соҳиби Навоий ижодига қизиқиш, асарлари мағзи-

ни қақиш шоир ҳаётлигидаёқ бошлаб юборилган. Иштиёқ шу даражада оммалашганки, шоир 23-24 ёшлигида унинг «Йил девонини мухлислари тузган. Бу китоб катта шухрат қозонди. Шунингдек, XVI асрдаёқ «Бадое ул-луғат», «Навоий луғати», «Абушқа» сингари луғатлар тузилиши ҳам унинг газалларининг мағзини қақиш илинжида тартиб этилди. Шоирнинг ижодий қуввати шу даражада кучли эдики, Низомий Ганжавий «Хамса» ёзиш учун

нақ ўттиз йил сарфлаган бўлса, Навоий эса 54 минг мисрадан иборат улкан асарни икки йилда ниҳоясига етказди. Фақат асар устида ишланган кунлар инобатга олинса, мазкур фурсат 6 ойга тенглашади.

XVI-XIX асрлар давомида шоирнинг ижод намуналари форс, турк, татар, грузин, озарбайжон, италян, немис, француз, голланд ҳамда бошқа тилларга таржима қилиниб, нашр этилди.


Замондоғиллари Ҳазрат Навоий ҳақида

“Кел, Жомий умр бўйи ма-шаққат тортиб, кунглиндан шу беш ганжи дунёга чиқардинг. Сенинг бу «Беш»инг шундай кучли панжа бўлдики, дарёқафлар кўли буралиб кетди... Бироқ ҳар ҳазина ўлчови (яъни етук шоир) қаламидан бу ўтар дунё «Беш ҳазина» билан бойигандир. У «Беш»ликларга сенинг «Беш»инг қачон тенглашади? Уларнинг бир ҳазинаси сенинг юз ҳазинадан яхшидир. Хусусан, у панжаки, ганжадан сарпанжа урганга шер қаби ўз сарпанжасини урди, тур-

кий тилда бир ажойиб кўшиқ куй-ладики, жоду-нафаслилар оғзи муҳрланди. Бу қаламга фалакдан офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни ўша қалам яратди ва форсий тил эгалари форсча назм дурларини тузувчиларга раҳм қилди: у ҳам шу форсий тилда ёзганда, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжизакор назм тарозиси қар-шисидан Низомий киму, Хисрав ким бўлди?”
Жомийнинг «Ҳафт пайкар» аса-ридан



Шоҳ Навоийга: «Бир мижро Сиз билан бизнинг ора-мида кўпдан ҳал бўлмай келади, шуни бугун бир ёқлик қилайлик», деди. Бу мижро шундан иборат эдики, Султон Хусайн Алишернинг муриди бўлишни кўпдан оруз қилар ва уни «пирим» деб ата-р эди.




Энди Султон Хусайн Алишердан сўради:
– Пир нимаю мурид нима?
Алишер жавоб берди:
– Пирнинг тилаги – муриднинг тила-ги бўлиши керак.
Шунда Султон Хусайн ўзининг оқ отини олиб келишни буюрди.
Султон Хусайн айтди:
– Сиз мурид, мен пир бўладиган бўлсам, Сиз шу отга минасиз, мен уни етаклайман...

Алишер эгарга ўтириши билан Султон Хусайн отнинг жиловидан ушлаб етаклай бошлади. Тарихда бундай ҳол кўрилмаган эди. Ҳеч бир замонда шоҳ шоирга жиловдорлик қилган эмас.

Зайниддин Восифийнинг «Бадое ул-вақое» асаридан



“Улуғ амирнинг туркий де-вони ҳукмдорлар ҳамда ақобир ийгинларига безакдир, арганун навоси бенаволар ушшоғини тўғри йўлга бош-лар, қаламининг ёғир-ғижиридан муҳолифлар мағлуб, хусравоний оҳанги Султон Хусайнга маҳбубдир. Қандай яхшики, унинг довуғи турк-лар ҳам мамлакатидан Ҳижозга-ча тарқалди, қандай яхши-ки, дабдбаси Нишопурдан Исфохонгача етди. Ажам мамлақати халқи бу садо-дан қулгоғига сирга тақиб, дунёнинг тамом бурчақлари бу дарё гаваҳи ила тў-либ-тошгандир, тонг насими унинг ҳақидаги хабар-ни Ироққа етказди...”
Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асаридан



“Аҳли фазл ва аҳли ҳу-нарға Алишербекча мураб-бий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўл-магай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайх Нойи ва Хусайн Удийким, соза саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти бирла мунча та-рақийи ва шухрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаф-фар тасвирда бекнинг сазий ва эҳтимоми била мундоқ машхур ва маъруф бўлди-лар. Мунча бинийи хайрим, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш.”
Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асаридан

Туяқлар

Ақл ҳайрат қилди
пишлаб бармоғин

Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабдурур,
Ё магар шаҳду шакар ё лабдурур.
Жонима пайваста новак отқали,
Ғамза ўқин қошига ёлабдурур.

Неча дедим ул санамга: Бормоғин!
Қилмади ул тарк охир бормоғин;
Мунчаки худройлиқ кўруғиди ул,
Ақл ҳайрат қилди пишлаб бармоғин.

Пардани руҳсорасидан олмангиз,
Ҳоҳақ ўлтурди мени шу олмангиз;
Гар анористонга сунса илгини,
Айтур: – Ул турсун, амонат, олмангиз!

Лаълидин жонимга ўтлар ёқилур,
Қоши қадимни жафодин ё қилур;
Мен вафоси, ваъдасидин шодимен,
Ул вафо, билманки, қилмас, ё қилур.

Олмани отми ниғорим, «ол», – деди
«Олма бирла бу кўнглини ол», – деди
Сўрсам эрса оламсини рангини
«Олма рангин не сўрурсан, ол», – деди.

Алишер НАВОИЙ

Манбалар асосида Замира РЎЗИЕВА тайёрлади

ҲАЛИ ҚИЛАДИГАН ИШЛАРИМИЗ КЎП

Бугунги суҳбатдошимиз Окқўрғон тумани ахборот-кутубхона маркази раҳбари Мастура Мирзакаримова. Биз Мастура опа билан тумандаги китобхонлик ва уни янги босқичга олиб чиқиш учун қилинаётган ишлар тўғрисида суҳбатладик.



фонди 30 мингга етди. Йил давомида 200 дан ортиқ маънавий тадбирлар ташкил этилди. Ижтимоий тармоқларда онлайн тарғибот ишлари олиб борилди. Электрон кутубхоналар ташкил этилиб, QR кодли китоблар яратилди. Натижада китобхоналаримиз 6 минг нафардан ошди. Бу кўрсаткич 2020 йил билан солиштирганда қарийб 1,5 баробар кўп.

– Кўчма кутубхоналар ташкил этилганидан хабаримиз бор. Улар орқали қайси ташкилот ва маҳаллаларга китоблар етказилди?

– Туманимиздаги кўплаб ташкилот ва муассасаларда шартнома асосида кўчма кутубхона хизматини ташкил этганмиз. Жумладан, туман ИИБ, молия ва газначилик бўлимлари, солиқ инспекцияси, ДСЭНМ, пенсия

жамғармаси, 25-сонли БМСМ, 78 ИМИ, Агробанк филиали, туман ХТБ, умумтаълим мактаблари ва МТТлар. Жорий йилдан бу рўйхатни кенгайтириш мақсадида янги шартномалар имзоланди. Шу ўринда туман пенсия жамғармаси ҳамда газначилик бўлимининг мамнунимиз. Ахборот-кутубхона-мизга нафақат Окқўрғон тумани, балки қўшни Қўйи Чирчиқ туманидан ҳам китобхоналар ташриф буюришади.

– 2022 йилда қандай тадбирлар режалаштириляпти?

– Юқорида айтганимдек, кўчма кутубхона хизматини янада кенгайтириш, фондими 10 мингта янги адабиётлар билан бойитиш, маҳалла кутубхоналари ташкил этиш режалаштирилган. Китобхон ёшларимиз билан бошқа туман кутубхоналарига саёхатлар уюштириш ҳам режада бор. Хуллас, ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Кутубхонамизда ҳозирги кунда жами 18 нафар ходим ишлаяпти. Шулардан 12 нафари китобхоналарга хизмат кўрсатиш бўйича фа-

Кутубхоначилик

олият олиб бормоқда. Тўртта яъни: фондларни тўлдириш, сақлаш ва улара ишлов бериш, хизмат кўрсатиш, ахборот-библиография, ахборот-коммуникация технологиялари бўлимлари ўз соҳаси бўйича малакали ходимлар билан тўлдирилган.

– Қайси қишлоқларда кутубхонанинг филиаллари бор?

– Ҳозирги кунда Ҳамид Олимжон номли маҳалла гузаридан кутубхона филиали бор. У ер туман ҳокимлиги томонидан янги жиҳозлар ва адабиётлар билан таъминланган. Лойиҳа бўйича “Гулистон” ва “Маданият” маҳаллаларида филиаллар очил режалаштирилган. Келгусида туман марказидан узоқда бўлган ҳар бир қишлоққа жаҳон адабиёти дурдоналари ва янги китоблар етиб бориши учун турли лойиҳаларни амалга ошириш ниятидаимиз. Бунинг учун филиаллар ва ходимлар сонини кўпайтириб олишимиз зарур. Шунингдек, туманимиз аҳолисини кўп миллатли эканлигини ҳисобга олиб, бошқа тиллардаги адабиётларни ҳам кўпайтиришимиз керак. Кўзи ожиз китобхоналар учун махсус Брайл алифбосидаги адабиётларни харид қилмоқчимиз. Ҳозирги кунда аудио китоблар ҳам тайёрланмоқда.

Отабек ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди

Кўрғазма

Бағишлов

Ўзбекистон Бадий академиясининг Иқоу Хираяма Халқаро маданият карвонсаройида Тошкент вилоятилик график рассом Радик Азизовнинг “Бағишлов” деб номланган 70 га яқин рангтасвир жанридаги ижодий ишларидан ташкил топган шахсий кўрғазмаси очилди.



Кўрғазмадан рассомнинг “Шабада”, “Кучли шамол”, “Лолақизгалдоқлар”, “Сарчашма”, “Қовуқлар натюрморт”, “Ёзги таътиллр”, “Шарқ биятурморти”, “Шарқ мавзуси”, “Шарқ мадоннаси”, “Она ва бопа”, “Сайр”, “Унутилган куй”, “Дахлдорлик”, “Қўмса”, “Тайёргарлик”, “Йўллар”, “Эски шаҳар” каби қатор асарлари ўрин олган. Суратларда табиат манзаралари, заминимиз нэзматлари, ҳаёт фалсафаси, Шарқ маданиятининг ўзига хос тақдорларимас жиҳатлари акс этган.

Радик Азизов 1965 йилда Тошкент вилоятининг Нурафшон (аввалги Тўйтепа) шаҳрида туғилган. Уқувчилик даврида Тошкент шаҳридаги Темирйўлчилар саройидаги расм студиясига қатнашган. Мактабдан сўнг П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юртида, Тошкент театр ва рассомлик институтида таҳсил олган. Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.

Р. Азизов “Дунёнинг энг яхши 100 нафар карикатурачиси”дан бири деб тан олинган ва “Катта карикатура энциклопедияси”га энг яхши асарлари киритилган. 2008 йили рассомлик йўналишида “Олтин қалам” Миллий мукофоти совриндори бўлган.

Кўрғазма жорий йилнинг 14 февралигача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Қатра

Най

...Радиодан най овози янграмоқда. Куйнинг майин оҳанги қалбларга нурдек ёғилиб кириб, кишини сеҳрлайди. Шу лаҳзада ширин хаёллар дунёсига сайр қилиб, дилингиздаги ушалган-ушалмаган орзулар кўз ўнгингиздан кинотасмасидек ўтаверади. Армонга айланган ҳис-туйғулар эса юракни безовта қилади...

...Айтишларича, най ҳижрон азобини тортган ошқларнинг ноласини изҳор қилар экан. Шунинг учун ҳам най чалинганда овози борича тинмай фарёд солиб йилгармиш...

...Най овози янграмоқда... Унинг нола-си тош қотган юракларни эритиб, сел қилмоқда...

Султонбой ДЕХҚОНОВ



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay’ati raisi)

Umrat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G’afurjon MUHAMEDOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Salom SAMADOV

Ozoda PARPIBOYEVA

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Ra’no TURDIBOYEVA

Sergey MUTIN

Zarifa ERALIYEVA

Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:
G’ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(71) 233-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:
(71) 233-70-10

Mas’ul kotib:
(71) 233-90-82

Bo’lim muharrirlari:
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:
(71) 233-54-10

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:
Kumush EGAMBERDIYEVA

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.30.
Bosishga topshirildi – 21.00
Nashr ko’rsatkichi – 205.
Buyurtma G-235.
4 162 nusxada chop etildi.
Hajmi – 2 taбоq. Ofset usulida bosildi. Qog’oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manzillimiz:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo’li ko’chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000,
Matbuotchilar ko’chasi, 32.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonani manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6